

Мўйлови хафсала билан тарошланган кулранг костюмли сотувчи жудаям илтифотли эди. Эдди уни диққат билан тинглар, ора-орада Мерига караб кўярди: у кандай фикрда?

-Ишонинг,-гапида давом этди сотувчи,-сизлар фирмамиз хизматидан фойдаланаётган ягона фарзандсиз оила эмассиз. Истасангиз, сизлар килмокчи бўлган ишни аллақачон амалга оширган оилаларни санаб беришим мумкин.

-Кечирасиз, биз хали нима килмокчилигимизни айтмадик-ку,-деди Эдди.

-Албатта, жаноб Стивенс, сизни тушунаман. Лекин шуни унутмангки, агар бу ишни килмасангиз, кейин афсусланасиз.

Мери ковогини уйганча бош иргади.

-Биз соч ва кўз рангини танлашимиз мумкинлигини айтдингиз. Шу тўғрими?

-Шак-шубхасиз,-таъкидлади сотувчи.-Менимча, сизларнинг кўринишингизга жигарранг кўз, малла соч мос тушади.

-Юз терисининг рангини ҳам ўзимиз танлай оламизми?-сўради Эдди.

-Албатта, жаноб Стивенс. Юзининг рангини ҳам ўзингиз танлашингиз мумкин.

-Зўр экан!-деди Мери.

-Билмадим...-иккиланиб жавоб кайтарди Эдди.

-У ростдан ҳам ўсадими? Худди хакикийдек?-сўради Мери сотувчидан.

-Албатта, хоним. Фирмамизнинг ажралиб турадиган хусусияти ҳам айнан мана шунда. Биз сизга хаётнинг биринчи хафтасини бошлаган моделни берамиз. Модел автоматик равишда ўсади. Бир неча йиллар давомида металл катталашиб боради. Енгил ва эгилувчан пластик металга мос равишда чўзилиб боради. Йиллар ўтгач, юз киёфаси ҳам ўзгаради.

-У канчалик ўсади?

-Бу сизларнинг истагингизга боғлиқ. Аксарият мижозлар ўгил болалар учун олти фут, кизлар учун беш фут бўйни танлашади.

-Биз ўгил болани хохлаймиз,-деди Эдди.

-Ха,-бош силкиди Мери.

-Яхши, бунинг кийин жойи йўқ,-жилмайганча жавоб берди сотувчи.-Истасангиз, бугун ўгил болани олишларинг мумкин, янаги сафар эса киз бола оласизлар.

-Биз ўгил бола оламиз,-деди Эдди катъийлик билан.

-У холда, жаноб Стивенс, сизларда ўгил бўлади. Моделнинг яна бошка хусусиятлари хакида ҳам билишни истайсизларми?

-Хм...-деди Мери ва жим бўлиб колди.-Унинг феъл-атвори канака бўлади? Айтмокчиманки...

-Унинг феъл-атвори аъло! Сиз онги топ-тоза мукамал машинага эга бўласиз. Моделда электрон хотира бор. Электрон хотира курилмаси мия механизми билан бирлаштирилган. Бошкача килиб айтганда, у факат сизлар ўргатган нарсанигина билади. Ишонаверинг, ўзингиз ҳам уни хакикий боладан ажратолмайсиз.

-Бунга ишончингиз комилми?

-Тушунмадим?

-Уни хакикийсидан ажратиб бўлмаслигига ишончингиз комилми? Мен кўшнилари унинг бола эмас, робот эканлигини билиб қолишлари мумкинлигини назарда тутяпман. Сотувчи овозининг борича кулиб юборди.

-Жаноб Стивенс, сизга айтдим-ку, аксарият кўшнилариингиз хакикий бола ўрнига робот

бола бокишади, сиз эса хали хам менга ишонмаяпсиз. Хаттоки фарзанди бор оилалар хам хозирда бизнинг моделларимизни сотиб олишяпти.

Едди иккиланганча Мерига каради. Мери асабийлашиб пастки лабини тишлади, сўнг эрига караб бош иргади.

-Розимиз,-деди Эдди шоша-пиша.

-Яхши, яхши!-Сотувчи дархол шартнома когозини олди ва ручкасини узатди.-Хўш, сочининг ранги канака бўлсин?

Орадан икки хафта ўтар-ўтмас, Стивенсларнинг уйига моделни олиб келишди. У худди хакикий чакалокдек эди. Эр-хотинлар уни кўриб ўзларида йўк хурсанд бўлишди.

Дастлабки кунлари уларнинг чакалоги йигламади, аммо Эдди бу камчиликни бирпасда бартараф килди. У модел хотирасига керакли маълумотни киритгач, чакалок йиглайдиган бўлди.

-Биз эҳтиёт бўлишимиз керак,-деди Мери бир куни.

-Нимага ундай деяпсан?

-Унинг хотирасига маълумот киритишда эҳтиёт бўлишимиз керак. Хозирги кўриниши олти ойлик гўдак учун мос холатда. Буни кара, яқинда у гапира бошлайди.

-Ха. Буни ўйламабман.

-Кўшниларибиз сезишдимикин?

-Менимча, йўк.

-Каердан биласан?

-Улар ажабланишмади.

-Лекин... мен хомиладор эмасдим-ку.

-Биламан. Аммо улар хозирча хайрон бўлишмади.

Мери каравотчада ухлаб ётган гўдакка нигоҳ ташлади.

-Хаммаси яхши бўлади-а, Эдди?

-Ха. Албатта, азизам.

-Айтмоқчиманки... биз уни хакикий фарзандимиздек яхши кўрамиз. Биласан-ку, у... машина.

-Биз уни яхши кўрамиз, азизам,-жавоб кайтарди Эдди ўйчанлик билан.

-Ишончинг комилми?

-Ха.

Стивенсларнинг ён кўшниси жаноб Жеффрис бола хакида эшитгач, Эддини уйига чакирди ва портвейн ичишни таклиф килди.

-Портвейндан яхшироқ нарса йўк, Эдди. Боладан яхшироғи хам йўк. Уни ёктириб коласизлар.

-Уни яхши кўраман,-деди Эдди.

-Шошмай туринг, хали у катта бўлсин, ўшанда кўрасиз...

Еддининг лаблари уча бошлади ва у кўлидаги кадахни стол устига кўйди.

-Ним...ма?

-У гапиришни, юришни бошласин, ўшанда кўриб завкланасиз.

-Ха,-деди Эдди энгил тортиб.

-Кичкинтойнинг исми нима?-сўради жаноб Жеффрис ва айёрона илжайди.

-Роберт,-деди Эдди.

-Роберт,-такрорлади жаноб Жеффрис.-Яхши исм.

-Отамнинг исми хам Роберт эди.

-Жудаям яхши исм,-яна кайтарди жаноб Жеффрис.

-Бўпти, менга рухсат, Мери кутиб колди.

-У катта бўлгач, сизларга анча яхши бўлади,-деди жаноб Жеффрис илжайганча.-Тушундингизми?

Едди Робертнинг кўзида галати бир нарсани сезиб озгина ташвишланди. У бу ҳақда ҳеч кимга индамади. Бир куни кечкурун у диванда китоб ўқиб ўтирарди. Кутилмаганда китобдан бошини кўтарди ва ўглининг диккат билан унга караб турганлигини кўрди.

-Нима бўлди, ўглим?

-Ҳеч нарса, дадажон. Ўйланиб турувдим...-Унинг огзидан чиккан сўзлар олти ёшли бола учун одатий эди.

-Нимани ўйлаётувдинг?

-кўп нарсаларни, дадажон.

Едди елкасини кисди. Кейин эса Робертнинг ўнг кўзида ёркин учкунни кўрди.

-Ёнимга кел-чи.

Роберт ўрнидан туриб дадасининг олдига келди. Эдди Робертнинг юз-кўзига диккат билан разм солди. Баъзи-баъзида унинг ўнг кўзида учкун чакнарди. «Бу ички курилма. Ахир ўглим робот-ку», ўйлади у.

-Нима гап, дадажон?-сўради Роберт.

-Ҳеч нарса. Шунчаки кўзинг ости тилингандек туюлганди.-У Робертнинг силлик ва эластик елкасига кафтини кўйди.

Едди ва Мери фарзандлари эсли-хушли эканлигига ишонишарди. Улар унга факат яхши нарсаларни ўргатишар, у хақиқий комил инсон бўлиб етишишига шубҳа қилишмасди.

Аммо улар ўғилларининг тарбиясини ташки таъсир бузиши мумкинлигидан хавотирланишарди. Улар Роберт мактабга борганига қадар унинг феъл-атворини шакллантириб бўлишларига умид қилишарди. Улар фарзандларини севишар, ундан фахрланишарди. Жаноб Жеффрис, жаноб Андерсон, Кларклар, дъАллессонлар, Маккартилар оиласи, политсиячи, чевар ва баккол-уларнинг хаммаси Робертни танишар, уни кўчада кўриб қолишса жилмайиб кўйишарди.

Едди Робертнинг ўнг кўзидаги учкунни бутунлай унутиб юборди. Кейинги пайтда бу учкун деярли сезилмай колганди. У бу ҳақда Мерига айтди ва у хам ташвишланмай кўйди. Эр-хотинлар Робертни тарбиялашда давом этишди. Улар фарзандлари яхши инсон бўлиб етишишини чин дилдан иштарди.

Аммо улар Робертнинг бешафкат ва ёвуз бўлиб колганини кўриб кўркиб кетишди. Буни биринчи бўлиб Эдди билиб колди. У бир куни ишдан уйга кайтди. Ховлига кириб, эшикни секин ёпди.

-Мери!-чакирди у хотинини. Ҳеч ким индамади. У хайрон бўлганча елкасини кисди.-Роберт!

Бу сафар хам ҳеч қандай жавоб бўлмади. Эдди саросимага тушиб колди. Бирдан гараж орқасидан Робертнинг овозини эшитиб колди. У гаражга яқинлашди.

-Ўлдириш керак! Ўлдириш керак! Бу жонзотни ўлдириш керак!

Еддининг аъзои бадани сесканиб кетди, у жойида котиб колди ва кўзларини юмди.

Унинг ўгли Роберт курбакани ўлдираётганди. Курбаканинг бутун бадани тешиб ташланганди. Роберт кўлидаги пичокни курбаканинг дуч келган жойига санчаётганди.

Унинг кўллари конга беланганди. У хириллаганча битта гапни такрорларди:

-Ўлдириш керак! Бу жонзотни ўлдириш керак!

Едди бу нохуш манзарага чидаб туролмади, ўгирилиб, индамай уйга кириб кетди. У

ичкарига кириб юз-кўлини ювди ва Мерини кута бошлади. Мери келгач, у хаммасини айтиб берди.

-Нима килишни хам билмай колдим... У буни каерда ўрганган бўлиши мумкин? Ким ўргатган? Уни сўкдингми?

-Йўк.

-Кимдир унга салбий таъсир кўрсатяпти.

-Кимдир унга котиллик килишни ўргатган,-деди Эдди.

Роберт уйга кечкурун кириб келди. Унинг кўллари тоза килиб ювилган, юзида табассум бор эди.

-Салом, ўғлим!-деди Эдди.-Кун бўйи каерда эдинг?

Роберт жилмайганча унинг ёнига келиб ўтирди.

-Богда болалар билан тўп тепдик.

Эдди кўзларини катта-катта очди ва дахшат билан Мерига каради. Мерининг юзи бужмайиб кетди: «Ўн икки ёшли ўғлим ёлгон гапиряпти». Ўша кеч улар Робертнинг берахмлиги ва ёлгончилигига карши курашишга қарор килишди. Улар кўшнилари фарзандларининг роботлигини билиб қолишларини хошлашмасди. Шу билан бирга ўғилларининг миясига ким бундай огуни куйганини аниқлашни хам исташарди. Улар кўшниларни бўлишиб олиб, Робертга ким салбий таъсир кўрсатаётганлигини аниқламоқчи бўлишди. Аммо кўшниларнинг ҳеч бири бундай иш қилмаганликлари маълум бўлди.

«Робертнинг онгини ким захарлаган? Нега? Нима учун?» деб ўзига ўзи савол берарди Эдди ва бирортасига хам жавоб тополмасди. У жаноб Жеффрис билан гаплашиб колди.

-Ўғлингиздан ташвишдамисиз?

-Ха. Менимча... кимдир унинг тарбиясини бузаяпти.

-Кўйсангиз-чи, Эдди.

-Йўк,-деди Эдди.-Кимдир унинг онгини захарлаган. Кимдир унга ўлдиришни ўргатган. Хайратдан жаноб Жеффрис кўзларини катта-катта очди ва Эдди унинг кўзларига тикилди.

-Ростданми?

-Ха, ха,-деди Эдди.

-Унга ўлдиришни ўргатишибдими?-сўради жаноб Жеффрис.

Эдди жаноб Жеффриснинг кўзларига караганча жавоб кайтарди:

-Ха. Тирик жонзотни ўлдиришни ўргатибди!

-Хечкиси йўк, энди хаммамиз тирик жонзотмиз!-хитоб қилди жаноб Жеффрис ва хохолаб кулди.

Эдди индамай ортига кайтди. У жаноб Жеффриснинг кўзида хам худди ўғлининг кўзидагидек учкунни кўрганди.

У ховлига кирибок бор овозда кичкирди:

-Мери! Мери! Мери!

Мери бошини чангаллаганча ўтирарди. У бир оз олдин бошка кўшнилар билан гаплашиб келганди. Эдди хонага кирганида у маъюс нигоҳини эрига қаратди.

-Мери,-деди Эдди,-биз хозирок бу ердан кетишимиз керак. Жаноб Жеффрис, дъАллессонлар, Кларклар...

-Маккарти, политсиячи ва Стейнлар, баккол, анави сотувчи...-Мери кафтлари билан юзини беркитди.-Бари бефойда, Эдди. Бефойда!..

-Ўнг кўзида учкун чакнайди... Учкун!

-Ха, ха...-деди Мери.

-Роботлар. Уларнинг хаммаси робот экан! Хаммаси.

Эдди Мерининг оёқларига ўзини ташлади ва юзини унинг тиззаларига қўйди. Иккиси ҳам Робертнинг хонага кирганини сезишмади. Унинг кўзлари чакнар, қўллари эса кайчини маҳкам чангаллаб турарди.

Русчадан Дилшодбек Аскарлов таржимаси